

QILA DAVRASIDA

№ 4
(454)
2021-yil
28-yanvar
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



«ЎЗИНГИ АРЗОНГА СОТМА, ЧУНКИ МАРТАБАҢГ УЛУҒДИР»

Ўз моддий эҳтиёжларини назорат қилиш учун инсонга нималар керак? Бу ҳақда Румий айтган энг гўзал фикр...



– Муддаоси нима экан ўзи, бу инвесторнинг?

– Муддаоси аниқ, ҳоким бува. Булар Пискентнинг сўлим жойидаги ерни сўрашяпти. Ўзимизни тadbиркор меҳнат қилди, боғ яратди, ташландиқ жой обод бўлди. Энди шу жойни бизга беринглар деяпти...

– Ҳа, ерми... нима экан дебман. Олаверинглар, олаверинглар... Бизни тadbиркорлар бу билан қашшоқлашиб қолмайди...

– Нима қияпсиз ҳоким бува?.. Ўзимизнинг ҳамма тadbиркору ер эгаларини хонавайрон қиласизку бу кетишда...

ДЕҲҚОННИНГ УЙИ КУЙСА КУЙСИНУ, «КАТТАҚОН»НИНГ РАЪЙИ ЎЛМАСИНМИ?

4-бет

«Иван Васильевич касбини ўзгартиради» кинофильмидан олинган кадрдан фойдаланилди.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ

ёхуд маънавиятга «дахли йўқ» гаплар

«Инсоният яралибдики, ҳар нарсада сабаб ва мақсадни излайди. Масалан, нима учун қовуннинг тухумидан қовун, тарвузникидан тарвуз униб чиқади? Уруғни ёриб чиқадиган томир бунчалар ақлли бўлса эканки, тупроқдан керакли моддани танлаб олиб, палак ёзади, уни гуллатади, кейин қовун ё тарвуз етиштиради. Бу томирлар шунчалик мўъжизаки, тут дарахтида олма пишмайди, гилос дарахтида – беҳи. Шердан бўри туғилмайди, айиқдан – қуён.

Сабаб ва мақсад эса асосан моҳиятда намоён бўлади. Яъни, истанг – табиат қонуни атанг, истанг – Яратганнинг қонуни. Ўша томирлар, генлар, умуман, бутун ҳаёт ана шу қонун асосида иш кўради.

Маънавият ҳам шундай бўлса керак. Биз анча йиллардан буён мақсад қўямиз ва сабабларни ахтарамиз. Моҳият ҳаёлимиздан фаромуш бўлади. Шу масалага бағишлаб ўтказилган кечаги ва ўн йил олдинги мажлисга эътибор берсак, у ерда ҳам, бу ерда ҳам бир хил қиёфаларни кўрамиз. Мақсад аниқ – маънавий юксалиш. Анжуман сабаби – ана шу юксак мақсад. Моҳият эса...

Нима учундир маънавият масалалари кўрилганда асосан фақат илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари давра куришади. Тўғри, маънавий юксалишнинг бош омиллари илм-фан, маданият ва санъат, ижоддан иборат. Лекин тоғ фақат бир чўққидан иборат бўлмаганидек, маънавий юксакликнинг ҳам турфа мезонлари бор.

Аввал юқоридаги соҳаларни кўриб чиқайлик.

МАЪНАВИЯТИ ҚАШШОҚ «МАЪНАВИЯТЧИ»ЛАР

Илм-фан юксалапти, деб айтишимиз учун асосларимиз деярли йўқ ҳисоби. Мактабгача тарбия муассасаси ва бошлангич таълимнинг ўзидан тамагирлик урф бўлган жойда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Саъди Сирожиддинов домлани бутун эл, хорижий давлатлар танир эди. Ҳозир шундай микёсдаги бирор академикни биров билмайди. Чунки, ўсиб келаётган ёш олимларни тамагирлик, бюрократия, коррупция каби иллатлар бўғиб қўймоқда.

Бир маҳаллар Москвадаги Парвозларни бошқариш марказида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) битирувчилари қанча эдию, ҳозир қанча? Ўз даврида юртимиздаги тиббиёт ёки ядро физикаси каби йўналишлар бўйича олий таълим

муассасаларининг хорижлик битирувчилари орасидан қанча-қанча йирик олимлар етишиб чиққан эди, эндиликда эса чет элликлар бизда ўқишга унчалик иштиёқ билдираётгани йўқ.

Йиғилишда қатнашган олимлар бизга қандай таклифлар берапти, фан оламида янги номлар чиқиши учун нима ишлар қияпти? Жавоб – сукут. У ҳолда уларни анжуманларга таклиф қилиш шартми? «Протокол учун», дейишади.

Маданият ва санъатимиз қай аҳволда эканини кўпчилик яхши билади. Умрида қўлига соз олмаган, на овози ва на савияси бўлган «хонанда» давраларнинг гули бўлиб юрибди. Ҳатто кўшиқни ўғирлашни ҳам эпловмайди – на урғуга қарайди, на сўзга. Ҳижрон ҳақида куйлайдию, клипига қарасангиз, ёнида маъшукаси беўхшов хурсандлик билан нағма қилаётган бўлади.

Айрим «юлдуз» актёрларимиз театр тугул, ўқув юрти сахнасини кўрмаган. Ҳатто Голливуддек кино маркази вакиллари ҳам Станиславский системаси асосида роль ўйнашни ўрганган. Лекин бизниқилардан бу ҳақда сўрасангиз, тахайюрининг чеғараси бўлмайди. Ёши каттароқ «тажрибали» актёрларимиз бир образда қотиб қолган, ҳеч чиқиб кета олмайди. Шунинг учун ролига қараб, картинани ажратиб олиш жуда мушкул.

Таниқли драматург Шароф Бошбековнинг бир асаарида колхоз раиси қўшиқчига қараб, «Саноатингизга қойил!» дейди. Муаллиф чаласавод раиснинг устидан қулади, айна пайтда санъатни саноат қилиб олганларга истехзо қилади. Ҳа, санъат бизнесга айланди.

Бу-ку яхшия – бозор иқтисодиёти, бизнес, тadbиркорлик. Лекин йўқолган авлодни бизга кейин ҳеч ким қайтариб бера олмайди.

Ота-боболаримиз «Сизлар Комилжон Отаниёзовни эшитмаган, Шукур Бурхоновни кўрмагансизлар-да», дейишарди.

Фарзандларимиз ҳам набираларимизга «Сизлар Фалончини эшитмаган, Фалончини кўрмагансизлар-да», дейди.

(Давоми 3-бетда.)

ИММУНИЗАЦИЯ

коронавирус инфекциясига қарши энг самарали йўлми?
Хозиргача қанча одам эмланди?


Мамлакатимизда коронавирусга қарши вакцинани жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг маълум қилишича, касалликка чалинганлар сони нисбатан камайиши кузатилмоқда. Жумладан, коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони жорий йилнинг 27 январь ҳолатига кўра, **78 минг 510** нафарни ташкил этиб, улардан **98 фоизи** (76 997 нафар) тузалиб, оиласи даврасига қайтган. Аини пайтда тиббиёт муассасаларида 892 бемордан 158 нафари оғир, 32 нафари эса ўта оғир ва 702 нафари енгил шаклда даволанмоқда.

Барчамизга маълумки, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича энг самарали йўл бу иммунизация тадбирлари, яъни соғлом инсонларни ушбу касалликка қарши эмлашдир.

COVID-19 инфекцияси бўйича жаҳон тиббиётидаги изланишлар, касаллик профилактикаси, мулоқотда бўлган шахсларни кузатиш, касалликнинг лаборатор ташхиси ва сифат назоратини ўрганиб бориб, Ўзбекистонда ҳам COVID-19 инфекцияси бўйича Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коронавирус касаллигига қарши эмлаш жараёнини пухта режалаштириш ва тиббиёт ходимларини махсус «Хавфсиз иммунизация» шартлари бўйича тайёргарликдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва вакцинадорлар рўйхати шакллантирилди.

2021 йилнинг 1 февралдан тиббиёт ходимларини оммавий эмлаш жараёнларига тайёрлаш бўйича билим савияларини оширишга қаратилган тренинг ва семинар машғулоти ўтказилиши режалаштирилди.



Хитойнинг «Auhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical» компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги коронавирус рекомбинант вакцинаси хавфсизлиги ва COVID-19 инфекциясининг олдини олишдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида III фаза клиник тадқиқотлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, 5000 нафар кўнгилли орасида иммунизация тадбирлари ўтказилиши учун вакцина олиб келинган. Республикага 8 нафар хитойлик мутахассис ташриф буюрган, бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда 3-фаза клиник босқичи ўтказилмоқда.

Кўнгиллиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари 2020 йилнинг 12 декабридан бошланган бўлиб, 2021 йил 27 январга қадар 9 минг 583 нафар кўнгилли тиббий кўрик ва суҳбатдан ўтказилди.

4 минг 617 нафар кўнгиллида вакцинациянинг 3-клиник синов босқичлари амалга оширилди.

Аини пайтда хорижий давлатлар билан турли ўзаро қатновлар назоратини кучайтириш ва коронавирус инфекцияси тарқалиши жадаллашаётган давлатлардан келаётган фуқароларни коронавирус инфекциясига текшириш, манфий нагига берган ҳолда ҳам 14 кунлик карантин кузатуви олиниши каби профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСТАЛГАН МАҲКУМНИ АФВ ЭТИШИ МУМКИН

Президент фармони (ПФ-6146, 26.01.2020й) билан айрим ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Фармонга кўра, Президентнинг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг Фуқаролик, афв этиш ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича шўъбаси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг фуқаролик ва афв этиш шўъбаси этиб ўзгартирилди.

Эндилликда Президент маҳкумнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахснинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар ўз ташаббуси билан исталган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

Бу ҳақда Шўъбага Президентнинг топшириқ хати юборилади.

Шўъба Президентдан топшириқ хатини олган кундан эътиборан 1 иш куни ичида Президент ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича Комиссияси аъзоларига мажлис ўтказилиши куни ва жойи ҳақида хабар беради.

Комиссия мажлиси якунида Шўъба томонидан маҳкумларни ёки жазони ўтаб бўлган шахсларнинг шахсини ва ҳужжатларини ўрганиш учун ишчи гуруҳлар шакллантирилади ва уларнинг жойларга чиқиши ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ Комиссия муҳокамасига киритиш учун ҳужжатлари ажратиб олинган маҳкумлардан ёки жазони ўтаб бўлган шахслардан уларга нисбатан афв этиш масаласи кўриб чиқилишига эътироз йўқлиги ҳақида розилик хати олади. Розилик хатига зарур ҳужжатлар илова қилинади.

Комиссия ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган ҳужжатларни муҳокама қилиб, афв этилиши мумкин бўлган маҳкумлар ёки жазони ўтаб бўлган шахслар бўйича баённома қарорини қабул қилади ва Президентга таклиф киритади.

Комиссиянинг маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этишга тавсия қилишни рад этганлиги, уларга келгусида афв этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишга монелик қилмайди.

ИҚТИБОС

Аҳоли «қора», монополистлар «оқ»!

Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутати:

— Имтиёзлар иқтисодиётда ҳалол рақобат йўқолиб, истеъмолчиларга танловсиз, сифати паст маҳсулот ва хизматлардан мажбуран фойдаланишига олиб келиши мумкин.

Афсуски, сўнгги вақтларда айрим монополистларга берилаётган алоҳида устул ҳуқуқлар аҳоли ижтимоий кайфиятига салбий таъсир ўтказмоқда.

Чунки аҳоли шу соҳада ўзи истаган сифатли, арзон маҳсулот ва хизматдан фойдалана олмаяпти. Булар қаторига боқиманда «Ўзавтосаноат» таркибидаги корхоналарга берилаётган имтиёзлар ҳам қиради.

Айрим юртдошларимиз иложсизликдан бир парча сугориладиган ерда «ўзбошимча», деб топилаётган бош-

паналарининг бузилишидан ҳадиксираб кун ўтказаятган бир вақтда узоқ йиллар шоҳона имконият ва имтиёзлар қуршовида яшаган «Ўзавтосаноат»га (Саноат хаби) яна 100 гектарлик сугориладиган ер майдони безгараз берилмоқчи, 5-6 сотихмас 100 гектар!

Кулгилиси, озиқ-овқат хавфсизлигига «ўзбошимча» уй қуриб яшайётган камбағал аҳоли хавф солаятти, деб бонг урамиз, камбағални қийнаймиз. Юзлаб гектар сугориладиган ерларни эгаллаётган монополистлар эса оппоқ, идеал. Бу ҳам етмагандек ҳамма ерни аукцион орқали олса, «Ўзавтосаноат» аукционсиз олмақчи.

Умид қиламанки, адолатли, кучли фуқаролик жамияти қуриши йўлида кетаётган бир вақтда «бир тўда» кўзга кўринмас шахсларнинг лоббизми экани кўриниб турган бундай лойиҳа қабул қилинмайди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ СЕНАТДАН ЁРДАМ СЎРАДИ

Сўнгги йилларда халқ таълими тизимдаги педагог-кадрларнинг сифат таркиби яхшиланди. Хусусан, олий тоифали ўқитувчилар сони 9,4 фоизга, биринчи тоифали ўқитувчилар сони 6 фоизга ошган.

Бу Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг мажлисида халқ таълими вазирининг «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг умумий ўрта таълимга оид қисми ижроси юзасидан ахборотида маълум қилинди.

Халқ таълими вазири таълим сифатини кўтариш, ўқитувчиларни жамиятдаги мавқеини ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилаш йўналишларида катта ислохотлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Жумладан, 2020 йилда олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг 23 фоизи ўша йилги мактаб битирувчилари бўлиб, улар давлат гранти квотасининг 50 фоизини

эгаллади. Бу кўрсаткич 2019 йилда 30 фоиз эди.

Умуман, битирувчиси олий таълим муассасаларига кирмаган мактаблар сони 3 бараварга (2019 йилда – 2126 та, 2020 йилда – 692 та) камайди. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфларида 12 та йўналиш бўйича вариатив ўқув режалар жорий қилинди.

Таълимдаги ислохотларнинг манتيкий давоми сифатида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Халқ таълими вазирлиги бир қатор вазифаларни белгилаб олган.

Хусусан, малакали педагог, илмий

ҳодимлар, психолог ва хорижий экспертларни (шу жумладан, Финляндиянинг малакали мутахассисларини) жалб қилган ҳолда Миллий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, 2021-2022 ўқув йилидан тажриба-синов тариқасида жорий этилади.

Таълим сифати паст мактабларда таълим сифатини ошириш ва ижобий тажрибани кенг тарқатиш мақсадида педагог-ўқитувчиларни муддатли шартнома асосида бошқа туман ва вилоятларга меҳнат фаолиятини олиб бориш учун юбориш, бунда малакали ўқитувчилар танлов асосида танлаб олиниб, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Халқ таълими вазири келгусида тизимда амалга ошириладиган ислохотларни самарали ташкил этишда Олий Мажлис Сенатининг ёрдами зарурлигини қайд этди.

Жумладан, умумтаълим муассасаларига жонкуяр, масъулиятли раҳбарлар-

ни тайинлашнинг шаффоф ва адолатли тизимини яратиш, маҳаллий ҳокимликлар томонидан мактабларда таълим олиш учун шароитлар яратилишига қўшимча маблағлар жалб этиш, жумладан, иситиш тизимларини таъмирлаш, қўшимча жиҳозлаш ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

«Ахборот технологиялари вазирлиги билан ҳамкорликда республика бўйича 7 мингдан ортиқ (70 фоиз) мактабга юқори тезликдаги интернет тармоғи олиб борилди ва бу жараён жорий йилда 100 фоизга олиб чиқилади. Лекин интернетдан фойдаланиш хизматларига маблағ ажратилмаса, бу ислохотлар бекор бўлиб қолади», дейди Шерзод Шерматов.

Шу боис вазир маҳаллий бюджет шакллантирилиши ва ижроси назорат қилиниши жараёнида бу масала алоҳида назоратга олинишини сўради.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ

ёхуд маънавиятга «дахли йўқ» гаплар

(Давоми, бошланиши 1-бетда.)

«Фалончилар»нинг ўрнига бугун ўзини хонанда ё актёр санаб юрган истаган одамнинг номларини кўяверинг. Фарқ савияда кўринади. Бугунги хонанда Комилжон Отаниёзовга, бугунги актёр Шукур Бурхоновга дуч келиб қолса, етти қават ернинг қаърига кириб кетади, ахир.

Биз шулардан маънавий юксалишни сўраймизми? Сўраяпмиз. «**Протокол учун**».

Адибларимиз ҳақида гапирганда ҳам қиёснинг ўзи кўп нарсани аён қилади-қўяди. Вақтлар бўларди, энг эринчоқ ўқувчи ҳам халқ шоирининг жилла курса битта шеърини ёддан биларди. Вақтлар бўларди, халқ ёзувчисининг асари шов-шув бўлиб кетарди. Бугун биз ёдлагулик шеър излаб ҳалакмиз. Ур-сур, олди-кочидан иборат арзон детектив асарни ўқишни бошлаймиз-у, очиги, сал ўтмай иткитиб юборамиз.

Шу ўринда бир риторик савол: бизда ҳозир болалар ёзувчиси ё болалар шоири борми?


Бугун «шоирман», «ёзувчиман», деб юрганлар Ойбек, Абдулла Қаҳҳор тирилиб келса, юзига қарай оладими?!

Навоийни талаб қилиш ноўрин. Лекин янги Эркин Воҳидовлар, Абдулла Ориповлар, Ўткир Ҳошимовлар етишиб чиқиши кераклигини, халқ орасида ҳақиқий истеъдод эгалари борлигини, уларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш, тарбиялаш лозимлигини адабий доирамиз вакиллари қачондир англаб етиши керак. Анжуманда «**протокол учун**» иштирок этиб, кейин чиройли битта баландпарвоз интервью билан қутулиб кетавериш ярамайди.

«БОР ҚУДРАТИМИЗНИ ОДАМЛАРНИ ЧАЛҒИТИШГА ЙЎНАЛТИРАМИЗ»

Энди масаланинг бошқа томонига навбат келди чоғи. Боя айтганимиздек, тоғ битта чўққидан иборат бўлмайди. Яъни, маънавият деганда, тор доирадаги соҳалар вакиллари билан чекланмаслик лозим чамаси. Нима учун бизнесменлар, спортчилар жалб қилинмайди бундай мажлисларга? Нима учун деҳқондан ё ҳайдовчидан фикр сўралмайди? Маънавиятни юксалтиришнинг бирламчи асослари мутлақ бирламчи бўлмаса-чи, деган савол устида бош қотириш керакка ўхшайди.

Маънавият фақат илм-фан, маданият ва санъат ё ижодиётдан иборат эмас. Маънавият – бу, аввало, том маънода ҳар томонлама юксак савия, қадриятларга ҳурмат ва садоқат, поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, адолат, андиша, имондир. Айни пайтда маънавият – сохталик ва саводсизликка бетоқатлик, фирромлик, номардлик, адолатсизлик ва риёкорликка чидамсизлик ҳамдир.



ТАФАККУР...

Бизнесда ҳам маънавият бор. Каттасию кичигида. Бизнесмен келиб, ўз соҳасидаги ҳолатлардан сўзласин. Турли идоралардан келадиган текширувчиларнинг кирдикорларини очсин, уларга қарши туришнинг йўллари кўрсатсин. Ҳокимиятдан «**протокол учун**» бўлмайдиган «беғараз ҳомийлик» талабларини айтиб берсин. Фирибгарлар қандай усуллар қўллаши, уларнинг домига илинмаслик йўллари тўғрисида гапирсин. Бу маънавиятга дахлдор гап бўлади.

Фермер ўз ишини ташлаб, соатлаб кераксиз мажлисларда «**протокол учун**» бекор ўтиришини, ундан ҳам кераксиз ҳисоботлар учун яна вақти ва асабини йўқотишини айтиб берса, бу ҳам маънавиятга дахлдор гап бўлади.

Мухими, осмоний эмас, ҳаётий гаплардан гапириш керак. Айтишларича, Дубай асосчиси шайх Рашиддан ўз давлатининг келажаги ҳақида сўрашганда, бундай жавоб берган экан: «Менинг бобом туяда юрарди, отам туяда юрарди, мен «Мерседес»да юраман, ўғлим «Ленд-Ровер»да юради, набирам «Ленд-Ровер»да юради, лекин эварам туяда юради...» Нега шундай? Оғир дамлар кучли инсонларни, кучли инсонлар энгил дамларни пайдо қилади. Энгил дамлар эса ожиз одамларни, ожиз одамлар оғир дамларни пайдо қилади.

Ишбилармонлар боқиманда текинхўрларни эмас, ҳаракатчан, интилувчан, креатив авлодни тарбиялаш кераклигини, ота-она меҳнатда пул топиб, фарзандлар роҳатда фақат сарфласа, набиралар садака сўрашга мажбур бўлишини ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб берса, бу маънавиятга жуда ҳам дахлдор бўлади.

Адвокатларга сўз бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ривожланган давлатларда прокурор ё судьядан эмас, адвокатдан кўпроқ кўркишадди ва бу жуда тўғри. Адвокатлар суд тизимида нималар қилинса, бизда ҳам шундай муҳит юзага келиши мумкинлигини, ҳозир бунга нималар халақит бераётганини рўй-рост айтиб берсин. Қани, шундан кейин кимдир буни маънавиятга дахлдор эмас, десин-чи!

Спортчиларни ҳам кенг жалб қилиш кўп фойда бериши аниқ. Спорт сохталикни ёқтирмайди. Кучинг, укувинг, ироданг етса – энгасан, бўлмаса – қўпол айтганда, тошингни тер. Кейин... Шахмат федерацияси раҳбари нима учун иктидорли опа-сингил шахматчиларимиз АҚШ байроғи остида дона сураётганини ташутириб берсин. Унинг ёнида эса футбол ишқибози сўз олсин ва бир асрлик футбол мактабига эга Ўзбекистон кечагина туп суришни ўрганган давлатларга мағлуб бўлаётганини (яна баъзан ўз майдонида) баралла айтсин. «Эҳтимол, – десин у, – Ўзбекистон футбол федерациясини умуман тарқатиб юбориш

керакдир, бундай футбол билан юзимиз шувит бўлгандан кўра, ўйнамаганимиз минг чандон яхши эмасми?!» Бу маънавиятга шунчалик дахлдор бўладики, «портлаш эффекти» юзага келади.

Эл орасида обрўли оқсоқоллар гапирсин. Илгари маҳалла ҳам, қишлоқ ҳам, шаҳар ҳам уйдек эди – уйни қандай озода тутсак, атрофга ҳам шундай муносабатда бўлардик. Ариқдан сув ичиларди. Ҳозир кашандалар негадир сигарет қолдигини иложи борича сувга ташлашга ҳаракат қилади. «Хей Фалончининг ўғли, тош отма!» деган даккидан ер ёрилмасди, кириб кетмасдик. Ота-онамиз изза бўлиб, бизни койирди. Энди шундай даккини маҳалла оқсоқоли ҳам айтишга журъат қилолмайди – аввало, «Фалончининг ўғли» гапини ёқасига ёпиштиради, камига ота-онаси дағдаға қилади. Бообрў оқсоқоллар мана шуларни айтса, маънавиятга кўп ва хўб дахлдор бўлади.

Машҳур разведкачи Аллен Даллеснинг унинг ўзидан ҳам машҳур режасини ҳаммамиз биламиз. «Уруш тугайди, ҳаммаси босди-босди бўлади, – дейди А.Даллес,

– ва биз бор моддий қудратимизни одамларни чалғитишга йўналтирамиз. Бошбошдоқликни юзага келтириб, қадриятларни сохталарига алмаштирамиз ва одамларни уларга ишонтирамиз. Қандай қилибми? Вақтинчалик иттифоқчиларни ишга соламиз. Масалан, адабиётдан кишилик жамиятидаги жараёнларни ўрганишни чиқариб ташлаймиз, у шахват, зўравонлик, садизм, хиёнат, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай ахлоқсизлик ва маънавиятсизликни тарғиб қила бошлайди. Бошқарувда амалдорларни порахўрлик, субутсизлик, бюрократизмга ўргатамиз. Буларни фазилатга айлантирамиз ва ҳалолликни кулгига қолдираамиз. Безбетлик ва иккиюзламачилик, фирром ва ёлгон, ҳаёсизлик ва қўполлик, пиёнисталик ва наркомания кенг тарқалишига йўл очамиз. Камдан-камгина одам нималар юз бераётганини англаб етади, лекин биз уларни иложсиз аҳволга солиб қўямиз, ёлгончи ва қолоққа чиқарамиз. Асосий эътиборни ёшларга қаратамиз, уларни ҳар томонлама бузамиз, маънавий томирларини юлиб ташлаймиз. Болалик ва ўсмирликдан уларни бемаъни, қўпол, ахлоқсиз, уятсиз, беандиша бўлишга ўргатамиз...»

Бу магн эркин таржимада берилётган бўлса-да, мазмун-моҳияти сақлаб қолинган. Мухими, қачонлардир шўролар давлатини ичидан емиришга қаратилган мазкур режа бугунги ҳаётимизда ҳамон акс-садо бераётганини ёдга солишдир.

ЙЎҚОЛГАН АВЛОДНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРИБ БЕРМАЙДИ

«Тik-tok»дан қайтариб ололмаямиз. Фарзандларимиз аллақандай «миллиончи»ларнинг бемаза гапларига қотиб-қотиб қуляпти. Тату, ясама кош-киприк каби «безанишлар»



оммавийлашиб бормоқда. Йигитлар кизил иштон ва кизил пойабзал кийиб, қизлар сингари жамоат транспортдаги деразада ўзига тикилиб, махлиё бўлмоқда. Телефонлардаги фото ва видеоларни, тўғриси, ер кўтармайди. Китоб тутқазсангиз, икки бармоғи билан расмини катталаштирмоқчи бўлади. Каттага ҳурмат, кичикка иззат, деган гапларни айтсангиз, энсаси қотади ва ҳоказо.

Лекин уларни айблаш керак эмас. Ахир, улар битта беҳаё сурат ё видео билан бадавлат «юлдуз»га айланиш мумкинлигини, энгил-елпи ҳаётнинг бошқа жиҳатларини кўряпти. Тўса олмаяпмиз. Қадриятлари ўзгариб борапти уларнинг. Ҳозир катта кичикни, кичик каттани қабул қилмайди. Қолбуки, авлодлар ўргасидаги зиддият эскидан бор. Тарих фанининг отаси бўлмиш Геродот эрамиздан олдин айтиб кетган эди: «Ёшлар катталарни ҳурмат қилмай қўйди, китоб ўқимайди, интилмайдди, эртага давлатни кимга қолдириб кетамиз?» Шу билан бирга, Брюс Ли оғохлантирган эдики, «Мен кўрмадим, болам кўрсин, қабилида иш тутадиган бўлсанг, сенинг ҳам, болангнинг ҳам ҳолига вой».

Биз кимлардир йўқотиш сари бураётган авлодни сақлаб қолишнинг аниқ чораларини кўра олмаяпмиз. Мажлислар ўтказилади, режалар тузилади. Оқибат – қоғоз учун иш қилинган бўлиб чиқади. Ёш авлодни бездирмасдан тўғри йўлга бошлашнинг самарали йўллари кўрсатиб берадиган психологларнинг овозини эшитмаямиз. Бу маънавиятга жуда-жуда дахлдор бўлур эди.

Ушбу сатрлар муаллифи биров эҳтиросга берилган туюлиши мумкин. Лекин қачондир ишга қаттиқ киришиш керак-ку. Бу ҳақда бонг урмаслик мумкин эмас. Бир эмас, ўнта ташкилот тузилганда ҳам, агар иш «**протокол учун**» бажарилаверадиган бўлса (давлат ажратган маблағ ҳисобидан мавҳум, бефойда тадбирлар уюштириб, пулни ўзлаштириш), ҳеч қандай натижа бўлмайди. «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган доно нақлга асосланиб, фақат ёш авлодни эмас, бутун жамиятни қамраб оладиган муайян чоралар кўриш вақти аллақачон келган. «Таксимлаб ол ва ҳукронлик қил», «Бирор халқни йўқ қилмоқчи бўлсанг, унинг маданиятини (маънавиятини) йўқ қил» қабилидаги шафқатсиз ғоялар билан иш тутадиган кучларга тобе бўлмасликнинг чорасини имкон қадар тез кўриш ва бунда сира-сира оқсамаслик лозим.

Ҳолати мизининг сабабини, мақсадимизнинг моҳиятини аниқ билиш ва идрок этиш бугуннинг энг долзарб масаласидир.

«Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир... Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир».

Президент томонидан бу гаплар бежиз айтилмади.

Мадина МАШРАБХОН

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш учун қулай шарт-шароит яратиш маҳаллий ҳокимлар фаолиятини баҳоловчи асосий мезонлардан бир экани давлатимиз раҳбари томонидан бот-бот айтиляпти. Ишбилармонларга шарт-шароит эса қуруқ гап ёки биргина имзо билан ҳал бўлмайди. Уларга ер ажратиш бериш, барча шароитини муҳайё қилиш зарур. «Фалон миллион доллар инвестиция»ни орқалаб келаётган ишбилармон, табиийки, имкон қадар қулай, харидоргир жойни кўзлайди. Танланган ер эса аксарият ҳолларда кимнингдир қонуний мулки бўлиб чиқади. Бироқ маҳаллий ҳокимлик мутасаддиси инвесторга «илтифот» кўрсатишга аҳд қилдими, «мулк дахлсизлиги» гўё «унутилади». Таҳририятимизга нажот излаб келган пискентлик Азиз Мирсоатовнинг мурожаати ҳам шундай муаммога дахлдор.

Шикоятчининг айтишича, туман ҳокимлиги ва туман кадастр бўлими конунан унга тегишли бўлган деҳқон хўжалигини тортиб олиш пайида. Икки йилдан буён ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиламан, дея бормаган идораси, тақиллатмаган эшиги қолмаган.

Мурожаат эгаси билан келишилган манзилда – дала бошида суҳбатлашдик. Далил ва ҳужжатларни ҳуқуқшунослар иштирокида ўргандик. Келинг, яхшиси бир бошдан бошласак...

Кунларнинг бирида...

2008 йили А.Мирсоатов акаси билан бирга деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун Пискент тумани ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилади. Аммо мурожаати жавобсиз қолади. Ака-укаларнинг отаси имдод сўраб, Президентга хат ёзади. Шундан сўнг уларга эски мол ферманинг ташландик еридан етмиш сотих ажратиш берилди. Мирсоатовнинг таъбири билан айтганда, «битта гапга кўнмаган, эшикдан ҳайдаса, тешикдан келадиган одамга серҳосил ер берилармиди?..»

Аваллошида ака-ука ажратилган ердан норози бўлиб, бошқа жойни талаб қилмоқчи бўлади, лекин кўпни кўрган отаси бунга изн бермайди. Ўзи бош бўлиб, бор бисотини шу ташландик ерни обод қилишга тикади. Дастлаб ўнқир-чўнқир, қаровсиз жойни чиқиндилардан тозалайди. Текислади, чопди. Эрта баҳорда яхши ният билан 200 туп мевали дарахт кўчати экиди. Хуллас, 70 сотих жойни то унумдор ерга айлантиргунча ота-болаларнинг она сути оғзида келди.

Шунча азоб-уқубат ва машаққатдан сўнг 2017-2018 йиллар нари-бериси эккан дарахтлари ҳосилга кирди. Бир замонлар қаровсиз ётган жой кўрган кўзни қувонтирадиган бокка айланди. Таассуфки, ўн йиллик машаққат ортда қолиб, ака-уканинг оғзи энди ошга етганда... уларнинг қувончи узокка чўзилмади.

2019 йилнинг 5 июнь санаси билан Пискент тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан унга огоҳлантириш хати келди. Қисқача мазмуни шундан иборатки, Пискент туманини инновация ва инвестициялар марказига айлантириш белгиланган. Шунга асосан А.Мирсоатов деҳқон хўжалигидаги ерни ўз ихтиёри билан туман захира ер майдонлари ҳисобига қайтариш тўғрисида расман огоҳлантирилган. Агар фуқаро туман ҳокимлигининг шартига кўниб, ўз қарамоғидаги ер майдонини қайтарса, унинг барча сарф-харажатлари тўлаб берилиши ва бошқа жойдан ер ажратилиши кўрсатиб ўтилган.

Ҳамма машаққат шундан сўнг бошланди...

Ўзи бор, лекин йўқ

«Огоҳлантириш хатини олгач, эртасигаёқ деҳқон хўжалигимизга оид ҳамма ҳужжатларни кўтариб, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига бордим ва ерни топширмаслигимни айтдим, – дейди Азиз Мирсоатов. –

ДЕҲҚОННИНГ УЙИ КУЙСА «КАТТАҚОН»НИНГ РАЪЙИ



Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мени туман ҳокимлигига чақиришди. Бу орада мен билан бирга деҳқон хўжалигини юритаётган ён-атрофимдагиларнинг ҳаммаси ерини топшириб юборди. Бироқ ҳалигача ҳокимлик уларга на ер ажратди, на сарф-харажатларни тўлаб берди. Хўш, шуларни кўра-била туриб, мутасаддиларга ишониб бўладими?

Хуллас, мажлислар залида бир нечта раҳбар, ҳатто улар орасида депутатлар ҳам бор, ҳаммаси бир бўлиб, мени бошқалар қатори ўз ихтиёрим билан ерни топширишга ундашди. Агар бундай қилмасам, давлат сиёсатига қарши борган бўлармишман. Очиғи, айниқса, конун-қоидани яхши билган, аслида, халқ вакили саналмиш депутатларнинг муносабати алам қилди. Депутатлар шундай деб турса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?..»

Шундай кунларнинг бирида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан А.Мирсоатовга яна хат келди. Буниси эса аввалгисидан ҳам ўтиб тушди. Унда айтилишича, унинг деҳқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтмаган эмиш.

«Қизик, қўлимда шу ер ўзимники экани ҳақида қарор, кадастр ҳужжати бор, устига-устак, ҳар йили ер солиғини ўз вақтида тўлаган бўлсам, қандай қилиб менга тегишли бўлган деҳқон хўжалиги рўйхатда бўлмаслиги мумкин?», дея куюнади А.Мирсоатов.

Шу ўринда бир вазиятга ойдинлик киритиб кетсак.

Ҳақиқатан ҳам, 2019 йил давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи давомида вилоят мутасаддиларига бир қатор вазифаларни юклаган. Хусусан, Пискент туманини инновация ва инвестициялар марказига айлантириш топшириғини берган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент вилояти ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулк объектларини ва ер учаскаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (аслида ушбу фармонда захира ерлар ва ўзининг розилиги билан давлатга ўтган хусусий мулклар

ҳақида гап боради) фармонига мувофиқ 2019 йил 6-майда «Bionovotik Agro» қўшма корхона масъулияти чекланган жамиятига кимёвий моддалар ишлаб чиқариш учун ер майдони ажратиш тўғрисида»ги 367-сонли қарорни имзолайди. Ушбу қарорга биноан Пискент тумани Ғайрат маҳалласи худудидан туман давлат захираси ихтиёридаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 1117-контурда жойлашган 19 гектар балл бонитети ҳисобланмаган ер майдони «Bionovotik Agro» ҚК МЧЖга 0,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарт билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Табиийки, шу майдонга ака-уканинг 70 сотих майдони ҳам қўшилиб кетади.

Буни қарангки, вилоят ҳокими мазкур қарорни 2019 йил 6 майда имзоляпти. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими А.Мирсоатовга ўз ерини туман давлат захира майдонига топширишни сўраб 2019 йил 5 июнда мурожаат қиляпти. Демак, бундан кўриниб турибдики, вилоят ҳокими «Bionovotik Agro» МЧЖ фойдасига қарор чиқарган вақтда А.Мирсоатовнинг ери захирада бўлмаган. Буни 2019 йил 6 майда Тошкент вилояти ҳокими Пискент тумани Ғайрат маҳалласидаги захира ерлардан 19 гектарини ажратган вақт билан туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими 2019 йил 5 июнь санасида А.Мирсоатовга жўнатган огоҳлантирув хати ўртасидаги тафовут ҳам асослаб турибди.

Аслида, мутасаддилар аввал қарор қабул қилган, кейин захирага олмақчи бўлган. Балки шу вазият билан А.Мирсоатовнинг кадастр ҳужжатлари туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан ўчиртирилгандир... Бундай деяётганимизга далил бор. Мана ўша ҳужжат: 2020 йилнинг 15 декабрь куни Пискент туман солиқ қўмитасидан берилган маълумотномада келтирилишича, «Мирсоатов Азиз» деҳқон хўжалиги 08.05.2008 йил 372-сонли гувоҳнома рақами билан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтган. Хусусан, Пискент туман солиқ қўмитасига Тошкент вилояти «Ермулккадастр» давлат корхонаси

Пискент тумани филиали томонидан 11:10:07:01:01:1582 кадастр рақами билан 3500 кв.м ер майдони ажратилгани тўғрисида электрон шаклда маълумот тақдим этилган. Ушбу маълумотларга асосан 14.12.2020 йил ҳолатига кўра, А.Мирсоатовнинг ижтимоий ва ер солиқларидан қарздорлиги йўқ.

Бунисига нима дейсиз?

«Муаммо йўқ, қайта рўйхатдан ўтсин»

Хуллас, А.Мирсоатов ҳам оғзидаги ошни олдириб қўядиган анойилардан эмас. Қонун-қоидани яхши билади. Шу боис ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, тегишли жойларга мурожаат йўллади. Ҳатто туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан судлашди ҳам.

«Давлат органларига йўллаган мурожаатим ва судга киритган давойим туфайли «Bionovotik Agro» МЧЖга ўтиб кетган ер майдоним ўзимга қайтарилди. Туман прокуратурасидан ҳам бу ҳақда жавоб келди. Унда туман кадастр ер бўлими хатога йўл қўйгани алоҳида таъкидланиб, айбдорлар жазоланишига урғу берилди. Бу ҳақда республика нашрларидан бирида мақола ҳам эълон қилинди.

Шу билан ҳамма муаммо ҳал бўлгандек эди. Бироқ А.Мирсоатовнинг бошида яна қора булутлар пайдо бўлди...

«Пискент туман ҳокимлиги эндиликда деҳқон хўжалигининг давлат рўйхатидан ўтказасан, деб ҳоли-жонимга қўймапти, – дея сўзида давом этади А.Мирсоатов. – Қўлимда шу ер ўзимникилиги тўғрисида қарор ва кадастр ҳужжати бор. Агар шу ишга доир хат-ҳужжатларни жамласам, бир жомадон бўлади. Шундай бўлгач, аввалбошдан давлат рўйхатидан ўтган мол-мулкимни яна қайтадан рўйхатдан ўтказишга не ҳолат?..»

Ҳақиқатан ҳам, А.Мирсоатовнинг қўлида шу ишга боғлиқ бир қанча хат-ҳужжат бор. Ҳаммаси унинг фойдасига сўзлаяпти.

«Охириги марта туман ҳокимининг олдида кирганимда «ерингни ҳеч қачон давлат рўйхатидан ўтказмайман. Мен билан ўчақишиб хато қилдинг», деганди. Шу сабабли ҳам деҳқон хўжалигимни қайта рўйхатдан ўтказишдан хавотирдаман», дейди фуқаро.

Хўш, бунга мутасаддилар қандай муносабат билдиради?

Йўл-йўлакай туман ҳокимлигига кириб, мазкур масала юзасидан изоҳ сўрадик. Лекин Пискент тумани ҳокими Раҳимжон Рихсиев бу ҳақда биз билан гаплашишни хушламади, чоғи, «муаммо йўқ, қайта рўйхатдан ўтсин», дея гапни қисқа қилди.

Қоғозда мумкин эмас, амалдачи...

Аслида, фуқароларнинг мол-мулки, ери, уй-жойи қандай ҳолатларда давлат захирасига қайтарилади? Шу ўринда бу масалага ҳам ойдинлик киритиб ўтсак.

Авалло, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги Конституция ва



← конунларда тўлиқ кафолатланган. Бироқ конун кафолат бергани билан, масъулларда уни қўллаш учун журъат ва инсоф ҳам бўлиши керак. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатлинини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, ҳудудларни

КУЙСИНУ, ЎЛМАСИНМИ?

комплекс ривожлантириш, шу жумладан, муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда инвестиция ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Демак, бировнинг жойини мажбурий тортиб олиш қонунга зид!

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир...

Ушбу мурожаатни ўрганиш давомида А. Мирсоатовнинг яшаш тарзи, оилавий шароити билан яқиндан танишдик. Учта вояга етмаган фарзанди бор. Оиланинг асосий даромади нафақа пули ва шу деҳқон хўжалигидан. Энди тасаввур қилинг, айни еб-ичаман, деб турган уч ўғилни ўқитиш, уйлантириш, уйли-жойли қилиш А.Мирсоатовнинг зиммасида. Унинг умиди эса энди нишона кўрсатаётган деҳқон хўжалигидан. Шунинг ҳам ҳокимлик тортиб олса, оиланинг, вояга етмаган болаларнинг тақдири нима бўлади? Ҳар ҳолда, А.Мирсоатов бу жойни обод қилгунча озмунча машаққат чекмаган бўлса керак? Устига-устак, аҳоли пунктига кимёвий модда ишлаб чиқарадиган корхона куриш мантиққа тўғри келадими?

Ўйлаймизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура ходимлари дўппини бошдан олиб, зикр этилган масалани адолат тарозисига қўйиб кўришади.

Дарвоқе, куни кеча Азиз Мирсоатов яна тахририятга келди. Айтишича, унга тегишли деҳқон хўжалиги ўрнида эндиликда «Обод маҳалла» дастури асосида кўп қаватли уйлар куриларкан. Ўзи шундоқ ҳам бошини қай деворга уришни билмай юрган фуқарога буниси ошиб тушди.

Мантиқсизликни қаранг. Аввалбошида А.Мирсоатовга ерини топшириш буюрилди. Кейин у жой давлат рўйхатида йўқ бўлиб чиқди. Энди эса бу жойда гўёки давлат дастури асосида уй-жой куриларкан. Деҳқоннинг уйи куйса-куйсин, ҳокимбуваннинг раъйи ўлмасин экан-да... Демак, зўрлик ва пўписа йўли билан муродига етмаган мутасаддилар шу йўлни танлашган. Зотан, билгичлар топиб айтган: Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!..

P/S: Айтишларича, ҳокимларимиздан бири инвесторларни жалб этиш учун хорижий давлатлардан бирига бориб, инвесторлар билан учрашибди. Уларнинг олдига ўзи ҳокимлик қилиб турган ҳудуд харитасини қўйиб, «Исталган жойини кўрсатинглар, ўша жойдан ер бераман. Бизга инвестиция киритсангиз бўлди», дебди ҳовлиқиб. Шунда инвесторлардан бири «Биз танлаган жой эгали бўлса-чи, унинг эгаси шунчаки бериб юбормаса керак. Агар тортиб оладиган бўлсангиз, демак бизнинг фаолиятимизга, мулкимизга қонуний қафолат йўқ экан...» деган экан.

Ғулломжон АҲМАД

«ЎЗИНГНИ АРЗОНГА СОТМА, чунки мартабанг улуғдир»

Бугун биз тубсиз кундалик шахсий эҳтиёжларнинг қуршовида ҳаёт кечириб, турли маданиятлар тўқнаш келган бир замонда инсоний гўзал ахлоқларни ўзлимизда сақлаб қолишдек долзарб масала қаршисида чора излаб турибмиз. Бундай пайтда аждодларимиз маънавий меросини пухта ўзлаштириш ва ҳаётимизда амалий қўллаш ва келажак авлодларга масъулият билан ўрнак бўлган ҳолда етказишимиз муҳимдир.

«

Шарқда шундай буюк зотлар ўтишганки, улар ёқиб кетган илм шамчирокларидан таралаётган маънавий нур асрлар оша башариёт қалбини эзгулик нури ила ёритиб келмоқда. Мавлоно Жалолиддин Румий ана шундай буюк зотлардан бири эди. Шарқнинг улуғ донишманди, шоири, мутафаккири ҳамда ижоди ва шахсияти билан бутун инсоният тафаккурини лол қолдирган орифлар султони сифатида улуғланади.

Мавлоно Румий Шарқ тафаккурининг ҳайратланарли донишманд сиймоси. Унда ислом тасаввуф илми ва ҳикмати бирлашиб, назм ижодкорлиги юксак кўринишда намоён бўлган. У ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкорлардан биридир.

Дашту чўлда қолиб чанқок ҳиссини туйган инсон ногаҳон обихаёт сакловчи сардобами ёки кудуқни кўриб қанчалик қувонса, сувидан ичиб қанчалик роҳатланса, маънога ташна одам ҳам Румий ижодидан баҳра олиб шундай хузур-ҳаловат топади.

Дарҳақиқат, Мавлононинг ўзига хос маънавий меросини ўқиш, ўрганиш ва энг муҳими унга амал қилиш орқали ҳар биримиз зарарли таъсирлардан ўзимизга «маънавий химоя қалқони»ни ясаб олган бўламиз.

Румий мураккаб сўфиёна мулоҳазаларида баъзан инсон табиатининг зиддиятли эканини,

инсонда зиддиятларни иккала қарама-қарши томони бирликда мавжуд эканини кўрсатади.

Унинг ижодида инсон, фаришта ва ҳайвон ўртасидаги мавжуд нозик тафовутлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, Одам боласида нафсининг борлиги, унинг мерос эканини, агар инсонда нафс бўлмаганда, унга қарши курашишнинг ҳам кераги бўлмаслигини ўқувчига шоирона ижоди билан англади. Нега инсон фаришта ва ҳайвонотдан улуғ бир мақомда турганини, уни сақлаб қолиш инсон учун нақадар муҳим вазифа экани ҳақида Мавлоно ҳазратлари шундай дейди: «Сен ўз қадр-қимматинг ва тушунчанг билан икки оламга бадалсан. Аммо, нима қилайинки, ўз баҳойингни билмаётирсан. Ўзингни арзонга сотма, чунки мартабанг улуғдир. Агар ўзингни жаҳаннам эвазига сотсанг, ўзингга зулм қилган бўласан».

Румий ўз асарларида инсон ўз нафсини жиловлаб фаришта мақоми даражасида бўлиши ёки нафс қулига айланиб, мартабаси ҳайвоний даражага тушиб кетиши ҳам эҳтимоллигини таъкидлайди.

Инсон иймонидан узоққа кетмаслигини, бунинг учун яратувчисининг интиҳода муносиб мукофоти борлигини, ҳамда нафсини қондиришда ҳар хил нотўғри ҳаракатларни қилиши орқали фалокатга дуч келиши ҳақида Жалолиддин Румий шундай дейди:



Холи тут кўнгилни
ёр инкоридин,
Сўнгра райҳон уз унинг
гулзоридин.
Сабр қил нафсингга
этгил қаршилик,
Ул ёмондин ким
кўрибдур яхшилик?

Жалолиддин Румий асарларини ўқир экансиз, инсон ўз моддий эҳтиёжларини назорат қилиш учун унга илм ва катта сабр-тоқат керак эканини, бунга китоб ўқиш ҳамда олган илмига амал қилиш билан жамиятда ўзига муносиб ўрнини топиб бориши ҳақида маънолар топаверасиз. У инсон маънавий оламнинг устунлиги билан ўзидаги барча камчиликларини сабр-тоқати ва иродаси орқали енгиши мумкин эканлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Мавлоно Румийни барча замонларда башариёт учун кадрли қилган асос унинг олам ва унинг ходисотлари шаклига эмас, моҳиятига эътибор қаратганида эди, деб таъкидласак адашмаган бўламиз.

Асрор РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Қашқадарё академик
лицейи ўқитувчиси

СЎЗЛАРИМИЗ ИНҚИРОЗГА УЧРАЯПТИ

Кеча уйимизга «Сувсоз»дан одам келиб, ҳисоблагич ўрнатди. Мутахассисдан туман «Сувсоз»и қаерда жойлашганини сўрадим, жавоб берди, у жойни унча тушунмай, «мўлжал борми?» дедим, аввалига тушунмади-да, қайта айтганимдан сўнг, «ориентирми?» деди.

Кўряпсизми, одамларимиз «мўлжал» деган сўзимиздан аллақачон фойдаланмай қўйибди, ҳатто уни секин-аста унуттиштириш, нима эканини билишмаяпти ҳам. Бундай ҳолатга жуда кўп дуч келаман.

Одамлар билан гаплашганингизда эътибор қилинг-да, сиз ҳам шу каби ҳолатга дуч келасиз. Ҳатто ўзингиз ҳам бор сўзларимизни қолдириб, четдан кириб келганини ишлатасиз.

Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг шундай гапи бор: «Бегона тилдан сўз олмоқдан қутулган тил йўқ. Аммо унинг меъёрини билиш лозим».



КИТОБ УШЛАГАН БОЛА

Ўғлим ҳозир кутубхонамиздан ётоқхонамизга Алишер Навоийнинг 10 жилдлиги ва «Қаро кўзим» китобини олиб келди. Гилам устига уларни бир хил ва ўнг қилиб узунасига ёйиб чиқди. Кўнгли тўлмади-ми, кейин уларни устма-уст қилиб қўйди. Кейин китобларни стол устига бир қатор қилиб қўймоқчи эди, бўйи етмади, охири калласи ишлаб, уларни икки қатор қилиб тахлади.

Хуллас, шоира Зулфия Мўминова айтганидай, болага китоб бериш керак экан! Аввал уларни ўйнайди, сўнг ўқийди.

Фозил ФАРҲОД



ҚУЁШГА ГУЛ

Жазираманинг оташ тифида қақраб ётган дала, унга елкасини тутган деҳқоннинг кўнгил оламини фақат оби ҳаётгина равшан этиши мумкин. Аслида минг-минглаб ер майдонларида гуркираб, яшнаб турган экин-тикинлар ривожига ҳам ана шу тириклик суви сабаб. Исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқатни Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги тизимида қарашли Амударё тумани ирригация бўлимида тер тўкаётган ирригаторлар яхши ҳис этишади. Улар ариқ ва каналлар мудом тўлиб оқиши, далалару боғ-роғлар оби ҳаётдан баҳрамад бўлиши учун тонгни тунга улаб меҳнат қилишмоқда.

Дарёнинг нуридан чирой олиб...

Дилбар шоир Ҳамид Олимжон «Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда, Чаппар уриб гуллаган боғин, Ўпар эдим Ватан тупроғин...» дея мадҳ этганидек фирдавсмонанд заминимиз чиндан сахий ва тенги йўқ. Эрта кўклам кетмон дастасини ерга қадасангиз тез ўтмай кўкаради, илдизига ердан озука оладиган улкан дарахтга айланади. Дунёда нимаики мева, нимаики полизу сабзавот бўлса, заминимиз бағрида ўсади, пишиб етилади. Шунинг учун заҳматкаш деҳқону боғ-бонларнинг қадок қўлларини олтинга менгзаймиз.

Ҳадемай Қорақалпоқ элларига яшариш ва янгилашиш, шодлик ва умидлар фасли баҳор кириб келади. Бўршитовдан Ойбургача, Қускана-товдан Жумуртовгача, «Нисан»дан Қоратоғга доғур ястаниб ётган кенг ва бепоён худудларда ўриқлар гуллайди, дарахтларда куртаклар жонлана бошлайди. Бир қараганда Оролбўйи худудини кесиб ўтган ҳайбатли ва салобатли Амударё олмос камарга ўхшайди. У мудом одамларга ризқ-рўз, дала-тузга тириклик улашади. Қорақалпоқ заминининг саховати бекиёс. Фақатгина ундан жойида ва ўрнида фойдаланиш лозим. Неча-неча асрлар давомида сувсизликдан қақраб, чўллаб ётган, бепоёнлиги ва чексизлиги учун Қизилқум ва Қорақум деб аталган саҳродаги талайгина ҳосилдор ва унумдор ерлар инсон ақл-заковати, шаҳд-шижоати туфайли ўзлаштирилди, эпакага келтирилди, боғ-бўстонга айлантирилди. Шу катта худудда аҳоли яшаш манзиллари, уй-жойлар, маъмурий иншоотлар, боғ-роғлар қад ростлади. Минг-минглаб тонна пахта, ғалла, мева-чева ва бошқа ноз-неъматлар етиштириш учун қулай шароит яратилди. Амударё тумани чин маънода Қорақалпоқ элининг Жанубий дарвозаси. Ётоғидан эндигина бош кўтарган қуёшнинг заррин нурлари илк бор Жайхун дарёси атрофидаги Қоратов, Жумуртов этагидаги поён-сиз кенгликларга ёйилади, шу худуд бағридан оқиб ўтувчи Амунинг ўрқачли тўлқинлари узра жилоланади. Яқин орада биз таърифлаган Амударё туманининг бир-биридан сўлим қишлоқ ва овулларида бўлмаган киши, ҳозир уни ҳадеганда танимаслиги аниқ. Негаки, эл-улуснинг ўз яшаш манзилларини обод, кўркам, осойишта манзилга айлантириш илинжидаги саъй-ҳаракатлари боис, бугун ушбу масканлар кўркамлиқ касб этди.

Кексаларнинг айтишларича, ўтган аср бошларига қадар бу ердаги айрим қишлоқ ва овуллар кўним топган ерлар тўқайзор ва ботқоқликдан иборат бўл-

ган. Унинг атрофларида қорақалпоқ, ўзбек, козок, туркман уруғлари кўрим-сизгина камиш томли кичик-кичик кулбаларда умргузоронлик қилишган экан. Аҳолининг аксар қисми асосан чорвачилик ҳамда овчилик билан банд бўлган. Деҳқончилик қилайлик дейишса, ерларга сув чиқмаслиги ишнинг белига тепган. Амударёдан улкан насослар кўмагида етарли миқдорда сув чиқариб берилгандан кейин одамларда секин-аста деҳқончилик қилиб, ноз-неъмат етиштиришга иштиёқ ва



кизикиш ортиб борган.

Кейинчалик, шўролар ҳукмронлиги даврида нуқул шоли ва пахта ҳосили етиштириладиган далалар ўрнида кўпдан-кўп оромижон боғлар яратилди. Анча муддат бепоён, чексиз далаларни кезиб, қишлоғу овулларга қадам ранжида қилишингиз билан ўзингизни ҳақиқий жаннатда юргандек ҳис қила бошлайсиз. Ҳаёл сарҳадларида эса шоирнинг мана бу шеърий сатрлари беихтиёр жонлана бошлайди:

*Нуридан оламга кўрсатиб чирой,
Томошага чиқди кўк париси – ой.
Ёнида бесаноқ юлдуз – канизак
Хуснда ортиқдир бири-биридан.
Дарё тўлқинланиб ишваларидан
Ўзини тутолмай уради қарсак...*

Ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Бу қадим юртнинг йўқдан бор қилувчи қўли қадок, оқкўнгил одамлари таърифига қалам ожиз.

Ирригаторларнинг метин иродаси

Эл-улус томорқаларини ҳамда дала-тузни доимий равишда тириклик суви билан таъминлаб келаётган ирригаторлар меҳнати ҳар қандай савобли ва ҳалол ишдан заррача кам эмас. Бу заҳматкаш касб эгалари эрта тонгдан то хуфтон тушгунга қадар тиним нималигини билишмайди. Ирригаторлар кўп йиллардан бери сув ёқалаб, мироблик билан машғул бўлиб, бу нозик касбнинг ўзига хос асрорларини миридан-сиригача яхши билади. Мадрим Нуриллаев, Бахтиёр Бобоҷонов, Ойбек Тожимбетов, Кенжабой Алланиёзов, Тожиддин Камолов, Жиянбой Садикулов



сингари мутахассис ва механизаторларни шулар сирасига киритиш мумкин. Бўларини айтганда, касбидан барака топган инсонлар улар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672 сонли «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»га қарорига асосан, Манғитхон-Назархон ирригация тизимлари бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг тегишли сонли буйруғи билан Амударё тумани ирригация бўлими дея қайта ташкил этилган эди.

Аслида Амударё туманидаги сув истеъмолчилари Упродик тизимининг Гурлан, Қиличбой, Қипчоқ-Бассу

веткалари ва дарёда жойлашган насос станциялари орқали оби ҳаёт билан таъминлаб борилади. Шу аснода сув билан таъминлаш, сувдан фойдаланишни назорат қилиш Амударёнинг чап қирғоғидаги Шихжамол, Тош ёп, Манғит, Қипчоқ бўлимлари, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Назархон бўлимлари томонидан амалга оширилади. Айни кезде бўлим ҳисобида 296,65 км. узунликдаги хўжаликлараро каналлар, 122 та гидротехник иншоот, 134 та гидрост, 153 та сув чиқариш нукталари, олтига экскаватор, учта бульдозер, олтига ер қазииш кемаси, агрегати (земснаряд) мавжуд. Ишчи-ҳодимлар сони эса 134 нафар. Айтганча, Амударё туманининг нақд эллиқ бир километрдан асов Амударё оқиб ўтади.

– Сув – тириклик манбаи, деган қутлуғ калом менинг онгимга болалигимданок сингиб кетган. Негаки, бобом ҳар куни дастурхон устида ушбу табаррук неъматнинг кундалиқ ҳаётимизда тутган аҳамиятини зўр бериб тушунтиришдан чарачамас эди, – дейди **Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигига қарашли Амударё тумани ирригация бўлими бошлиғи вазифасини ба-жарувчи Эргаш Юлдошев.** – Кўпни кўрган бобомнинг ўша айтганлари бутун ҳаётим давомида қулоқларим остидан кетмайди.



Биласиз, бугун Орол ва Оролбўйи муаммоси, сув тақчиллиги минтақадаги энг глобал аҳамиятга эга масалалардан бири бўлиб турибди. Зеро, сув тақчил шароитларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш имконсиз. Қолаверса, мамлакат раҳбари бот-бот уқтирганидек, сув тақчиллиги сабабли нобуд бўладиган экин майдонлари кўпайишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда томчилатиб суғориш технологияси асқотиши, мураккаб вазиятдан талафотсиз чиқишнинг ягона ва ишончли чораси бўлиши мумкин. Шунинг учун фаолиятимиз давомида бу масалани эътибордан четда қолдираётганимиз йўқ.

Эргаш Юлдошевнинг маълум қилишича, мазкур бўлим Амударё туманининг 39 минг 463 гектар ер майдонларини сув билан таъминлайди. Шунинг 15 минг 250 гектарида ғўза, 3800 гектари эса ғалла экиладиган майдонлар ҳисобланади. Ички хўжалик каналлари узунлиги 1342 чакирим бўлиб, уларда 681 дона гидротехник иншоот, 510 дона гидрост, 1095 дона фермерлар сув оладиган бош қулоқлар мавжуд.

Амударё шароитида ернинг шўри обдон ювилмаса, рисолодагидек ҳосил кўтариш амри маҳол. Шунинг учун мутахассислар бу тадбирга жиддий тайёргарлик кўришади. Биргина 2020-2021 йил ҳосили учун кузги қишки даврда 30 минг 195 гектар майдонда шўр ювиш, нам суви бериш ва бошқа қатор суғориш ишлари кўзда тутилди. Шундан шўр ювиш режаси 15 минг 904 гектарни ташкил этиб, кучли шўрланган майдонлар 740 гектар, кучли шўрланган майдонлардан 8614, кам миқдорда шўрланган майдонлар эса 6550 гектарни ташкил этади. Шўр ювиш тадбирларини вақти ва муддатида ўтказиш мақсадида сув хўжалиги ташкилотларидан фермер хўжаликларига икки юз саксон нафар, Сув истеъмолчилари уюшмасидан йигирма нафар масъул ходим бириктирилди, 3050 нафар фермернинг тажрибали сувчилари ажратилиши таъминланди. Хуллас, бу мавсумдаги шўр ювиш даврида туман чегарасида 164,5 млн. м³ ҳажмида сув ажратиладиган бўлди. Келтирилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Амударё тумани худудининг маълум бир қисмини шўр балоси ўз домига тортиш хавфи йўқ эмас. Бу эса аниқ ва жўяли тадбирларни қўллашни тақозо этади.

Ички хўжалик каналларининг ўрни ва аҳамияти муҳим ҳисобланади. У сувни бир маромда ушлаб туриш ва манзилга ўз муддатида етиб боришига беминнат хизмат қилади. Ана шундай хўжалик каналлари 290 километр бўлиб, шундан 106 километрида механизмлар, 184 километрида эса қўл кучи билан тозалаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шу билан бирга ички хўжалик каналларида 25 дона гидротехник иншоот, 83 дона гидрост, 122 дона фер-

ТУТГАН ДИЁР

мерлар сув оладиган кулоқнинг доимо соз ҳолатда бўлиши эътиборда турибди. Хуллас, тозалаш ишларига (*хўжаликлараро каналларда*) учта экскаватор, иккита бульдозер, иккита земснаряд ҳамда эллика яқин мутахассис жалб этилган.

Куз-қишнинг остонаси. Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги тизимидаги Амударё иригация бўлимининг қарийб бир юз эллик нафарга яқин жамоаси ҳар бир дақиқанинг қадрига етишга астойдил ҳаракат қилишади. Агарда бепарволикка берилиб, чекидаги вазифани вақт-соатида удаламаса уялиб қолиш ҳеч гап эмас. Амударёлик ирригаторларнинг қўли қадоқ, кўнгли оқ, тадбирли, удли-шудли эканига очиги, қойил қоласан киши.

...Ўшанда олтин кузнинг ўрталари эди. Боғлар бағрида узум, анжир, нашвати фарқ пишиб, обдон ширага энганди. Ҳаво кузакнинг жаннатий мевалари хушбўйига, ифорига тўлган. Бор ҳосилини тортиқ этиб, толиққан далалар куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда деган асрлар синовидан ўтиб келаётган халқ нақлига амал қилиниб, чуқур қилиб ағдарилган эди. Ёмғирдан намикқан ернинг одамни аллаловчи, аллақандай дилгир ҳиди дала тузга чиқарилган чириган гўнг ва эски девор кесакларининг аллақандай коришиқ исига омухта бўлиб кетган. Изғирин, совуқ кунларга ҳали анча бор. Шунга қарамай Амударё яқинидаги кишлоқ ва овулларнинг оромийон чорбоғларида бинафшалар, савсаргуллар очилиб ётибди. Синчков назар ташласангиз олачалпоқ наъматак буталарида кип-қизил мевалари куёш нурида товланиб, кўзни камаштиради. Чиннигуллар ҳадемай қор, изғирин остида қолиб қадди-басти букилиб, ер билан битта бўлишини ёдга олиб, аламли, азобли титрайди. Ўшанда негадир куз ёмғири челақлаб қўйиб чиқди. Чоғроққина уйининг кўш табақали деразаси ойналари юзиде сизиб оқаётган ёмғирга тикилар экан, Эргаш Юлдошев олис ўтмишда қолиб кетган болалик хотираси юрагида оҳиста ғижирлагандек бўлди. Болалигида Хивада бутун умр мироблик қилиб ўтган Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳий ҳазратларига ихлос қилиб келажақда ирригатор бўламан дея ниёт қилган эди. Ўшанда бобоси уни бир неча бор эртақмонанд Хива зиёратига элтган, Паҳлавон Маҳмуд ва Мунис, Огаҳий сингари азизлар мангу қўним топган жойларни зиёрат қилиб қайтувди. Шушу асаларидек захматкаш шу касб этагини тутди. Бундан кам бўлмади, бири икки бўлди, энг муҳими одамлар назарига тушди...

Учқур, асов дулдур устида мискин хаёллар оғушида оҳиста тебраниб кетаётган Эргаш оға рўпарасидан овоз чиқариб, гувиллаб эсаётган Жайхун шамоллари, эғнидаги қоржомасию, пиджаги барини зўр бериб тортиқилаётганини ҳам эсдан чиқарди. У мана шу бугун, тонг отмасдан буён Қизилкум саҳроси бағрида яшнаган аҳоли яшаш манзилларини, чексиз отизларни кезиб юрибди. Ота-боболари киндик қони томган, қувноқ ва беғубор дамлари кечган, она юрти Амударё элини ҳар куни шу тахлит кўриб турмаса кўнгли сираям жойига тушмаслигини ич-ичидан англайди.

Ҳа, унинг юрти беҳад чиройли, оромийон бир гўша. Эрта тонг жамол кўрсатиши ҳамон кушлар шўх чуғурлайди. Ҳаммаёқни қанотли дўстларимизнинг овози

тутиб кетади. Ота хиёл қийшайиб ўтирган Эргаш оға жилови зарб билан силтаб тортиди. Шундоққина ортидан соядек изма-из келаётган шерикларини бетоқатлик билан кута бошлади. Мақсади, ҳув анови шериклари билан канал ва коллекторларда оқиб ётган сувнинг ҳолатини текшириш, таҳлил этиш эди. Ахир оби ҳаётни то таморқачи ва фермер даласигача олиб бориш ҳазилакам юмуш эмас. Бу вазифа кишидан сабр ва чидамни талаб қилади. Қолаверса, сув тақсимотида, кулоқлар бошида адолат, ҳақиқат мезонларига қатъий туриб амал қилиш лозим. Акс ҳолда эл-юртнинг норозилигига сабаб бўлиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳар маҳал ана шу тамойилга амал қилиб сира кам бўлмади.

Бир қараганда осмону фалакни тўлди-



риб ётган беҳисоб ситоралар кўз кисиб қўяётгандай туюлади. Гўёки ана шу иши билан улар нималардандир бизни оғоҳ этаётгандек бўлади. Ой тиллақошдек бўлиб, булутлар орқасидан секин мўралайди. Ташқарида изиллаб эсаётган сахройи шамол, уй томларига қоқилган туникаларни таг-томири билан кўпориб ташламоқчидек бўлади. Эргаш ака табиатнинг бу тахлит турфа хил ходисаларига шахсан гувоҳ бўлгач, ўзига яхшигина хулоса чиқариб олди.

Воҳа узра сочилган атлас пойандоз

Бобоқуёш кип-қизил баҳмал сингари товланиб, ўзини азим чинорлар панасига олди. Бугун Аму воҳаси узра атлас пойандоз сочилгандай. Аму соҳиллари бир қараганда сокин, осуда. У жозибадор, нақадар оромбахшдай туюлади. Бу ерлар гоҳ қизғиш тусга чулғаниб дарё чиройига чирой кўшади.

Оби ҳаётни то таморқачи ва фермер даласигача олиб бориш ҳазилакам юмуш эмас. Бу вазифа кишидан сабр ва чидамни талаб қилади. Қолаверса, сув тақсимотида, кулоқлар бошида адолат, ҳақиқат мезонларига қатъий туриб амал қилиш лозим.

Ҳа, Амударё тун оқшомларида ҳам гўзал ва тароватли. Бу ернинг одамлари эса синчков, меҳнатни севадиганлар хилидан. Шу боисдан бу одамлар билан гурунглашиб чарчамайсан, нақл ва ҳикояларига тўймайсан. Улар удаламаган ишнинг ўзи йўқ. Бу одамлар ҳар бир янги кунни лабларида табассум, кўзларида севинч ила, шукроналик ила кутиб олишади. Эргаш ака ана шундай одамлар билан елкама-елка туриб ишлаётганидан доимо қалбида ғурур туяди.

Эргаш оға ўнқир-чўнқир, илонизи дала

йўлидан кета туриб, негадир ҳеч кимга рўбару келмади. У мусаффо ҳаводан кўксини тўлатиб тўйиб нафас олди. Қудратли техникалар тупроқни кўрдим демасдан қовлаб, суриб ишлаётган қатта сув ёқасигача ҳали анча узок. У чор-атрофдан кўз узмасдан, қавжираган оққуврайларнинг шип-шийдам танасига сер солди. Қанчалик таниш манзаралар, кадрдон жойлар. Ўтган вақт ичида бу сўлим жойлар унга худди киндик қони томган кишлоғидек азиз ва яқин бўлиб қолди. Шу алфозда қанча юрди билмайди, қаршисидан чанг кўтариб келаётган машинанинг устма-уст сигнал бериши эшитилди. Машина унинг шундоққина ёнгинасига келиб тўхтади. Ҳайдовчининг ёнига ўтириб, иш бораётган жойга жўнади. Йўлда кета туриб ерни текислаётган экскаватор ҳамда канал бошида сувдан шох-шаббаларни олаётган йигитларга кўзи тушди. Улар билан бош кимирлатиб саломлашди. Жазирама иссиқ томоқни қуритади, кўйлақ-шим тердан баданга сирочдай ёпишиб кетади.

Айтишув ўланда зўр экан

Амударё тумани ирригация бўлимининг қўли қадоқ, кўнгли оқ, ирригаторларнинг тадбирли эканига қойил қолдим. Нега дейсизми? Қарасам, бариси эпчил, чайир, шиддатли йигитлар. Назаримда, ёзувчилар худди шундай алпқелбатларни таърифу тавсифлашса керак. Қизғи, йигитлар бири қўйиб, бири олиб Гўрўғли достонидаги «Тиларман» деган юракни ўртагувчи, мағзи бутун термани ёддан ўқишни бошлади:

**Қул хўжадан рухсат тилар ор ўлмас,
Бегим, сандан рухсатингни тиларман.
Ғўч йигитга ёхти жаҳон тор ўлмас,
Қиличингни, Ғиротингни тиларман...**

Иккинчи йигит шеърни давом этирди:

**Бўлар ўғил тўққизинда бош бўлар,
Ношуд ўғил қирқ ёшинда ёш бўлар,
Каллалар қасилар, гавда лош бўлар,
Шаҳид ўлмак муродимни тиларман...**

Учинчи йигит шеърни қолган жойидан илиб кетди:

**Бегим, рухсат бергил қассоб ўғлина,
Қилич урсам Хунхоршоҳнинг бўйнини,
Бошим қўйсам улугларнинг йўлини,
Аваз айтар муродимни тиларман...**

Қизиқиб қолганимни кўриб, улар менга достондаги парча тарихини ташунтира кетишди. Наҳотки, қаршимда турган ёш ирригатор йигитлар бўлса... ҳаёлимга сиғмай уларга кўз остидан разм соламан. Айнан ўша куни мен ҳаётнинг бир мўъжизасига дуч келгандим гўё.

Амударё туманида 2020 йил учун пахта хом-ашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг миқёсда фойдаланиш мақсадида худудда 72 гектар ғўза экиладиган ерда мазкур илғор технология жорий этилди. Ўз-ўзидан равшанки сувни иктисод қилувчи суғориш технологияларини жорий қилиш ва сувдан оқилона ва ўз жойида фойдаланиш борасидаги ишлар бир дақиқа бўлса-да сусайтирилгани йўқ. Жумладан, 2021 йилда 2860 гектар майдонда жами сувни иктисод қилувчи суғориш технологияларини амалиётга

тадқиқ этиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, шундан 1830 гектар майдонда томчилатиб суғориш (*унинг 1700 гектари пахта, 50 гектари боғ, 20 гектари тоқзор, 60 гектари эса бошқа экинлар*), 960 гектарда эгилувчан қувурлар билан суғориш, 40 гектарда пулсар тизими билан суғориш, 30 гектар ғалла майдонига ёмғирлатиб суғориш технологиялари амалиётга жорий этилди.

– Томчилатиб суғориш технологияси қўлланилганда биринчи галда қатта миқдордаги сув тежаб қолинишига эришилади. Бундан ташқари барча турдаги кишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил кўтариш имкони яратилади. Қолаверса экинларнинг илдизига бирдай сув етиб боради, – дейди **Амударё тумани ирригация бўлими бош гидрометри Ботир Худойберганов.** – Эътиборлиси, ушбу замонавий ва қулай технология қисқа муддат ичида барча худудларга кириб бормоқда. Сувнинг ҳар йилгидан кам бўлиши башорат қилинаётган ҳозирги паллада бу чора вазиятдан чиқишнинг энг ишончли ва қулай йўлидир. Жамоамиз масаланинг ана шу жиҳатларини эътибор марказидан четда қолдирмай, томчилатиб суғориш технологиясининг афзалликлари мавзусида доимий равишда кўргазмали семинарларни ташкиллаштириб келмоқда.

Аму суви қон томирдай таралган

...Қишги изғирин захри кесилганича йўқ. Йўлнинг ҳар икки ёнида шоҳлари ғуж қайрағочлар беҳисоб. Шу яқин орадан қатта бир ариқ тўла сув оқиб ётибди. Даланинг соф ҳавосидан кўнгул хузурланади. Қорамтир булутлар лашқари мовий ҳавода эмин-эркин сузиб юрибди. Куёш бир кўриниб, яна булутлар қатига беркинади. Улкан дарё сувининг ҳайбат билан оқиши, ваҳимали, қўрқинчли гувиллаши юракни увиштиради.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов бежиз Амунини таърифлай туриб, «Аму суви еримизга қон томирдай таралган, Арналарнинг тўғонлари бир-бирига қаралган» деган ажойиб мисраларни битмаган. Дарҳақиқат, Аму этаклари кўркам эди. Ҳаво салқин, энгилгина Жайхун шамоли эсиб турибди. Ирригаторлар сардори Эргаш Юлдошев рюкзакни елкасига ташлади-ю, болғани олиб, машина кузовидан тушди. У дарёнинг шундоққина ёқасида қад керган Қоратов, Жумуртов тоғ тизмаларини, чўнг ва юксак чўқилларини кўздан кечирмоқчи эди. Қияликларда, ўнгирилларда гиёҳлар кўринмайди. Бу жиҳатдан Қорақалпоқ элининг, айниқса, жанубий худудларида қад керган Султон Увайс тоғ тизмаларининг ялонғоч, вулқондан қорайиб кетган тошларини эслатарди.

Эргаш ака ана шу тоғ этакларини айланатиб юриб, ҳаёлида чарх урган фикрларини бир жойга тўплади. Ҳув олис-олисларда дарё жимирлаб, худди илон изидек бўлиб оқиб ётибди. Ундан яқин манзилларда Гавр қалъа (*баъзилар кичик Тупроққаъла қолдиқлари деб ҳам атайди*) ҳамда Чилпик қалъалари кўзга чалинади. Уларнинг тарихи узок. Куёш қизгин товланиб Аму соҳилидаги водийга янада ажиб latoфат таратади. Уни беҳосдан ғалати бир туйғу қамраб олди. Аму ҳамон ўйноқлаб оқар, унинг лойқа тўлқинларидан ҳосил бўлган оппоқ кўпиклар баланд кўтарилиб, майда ёмғир томчиларидек атрофга сачрайди. У дарёга тикила туриб, жамоаси удалаётган иш маромининг кейинги жиловиға тўхталди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

«Саҳиҳул Бухорий»да

РАСУЛИ АКРАМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ичида сутни қизганган эди...

VII жилд. 6452-хадис. *Абу Хурайра розияллоху анху шундай дер эди:*

«Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, очликдан бағримни ерга бериб қолар, қорнимга тош ҳам боғлаб олар эдим.

Бир куни одамлар чиқадиган йўлга ўтириб олдим. Абу Бакр ўтиб қолди. Ундан Аллоҳнинг Китобидаги бир оят ҳақида сўрадим. Буни менга таом берармикан, дебгина сўраган эдим. Лекин у бундай қилмай, ўтиб кетаверди.

Кейин олдимдан Умар ўтиб қолди. Ундан ҳам Аллоҳнинг Китобидан бир оят ҳақида сўрадим. Лекин у ҳам ўтиб кетаверди.

Кейин Абул Қосим соллаллоху алайҳи васаллам ўтиб қолдилар. Мени кўриб қолди табассум қилдилар ва ҳолатимни, юзимдаги аҳволни пайқадилар. Кейин: «**Эй Абу Хирр!**» дедилар. «**Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!**» дедим. У зот: «**Ортимдан юр**», деб йўлда давом этдилар. Ортларидан юрдим. У зот (*уйга*) кириб кетдилар. Изн сўраган эдим, менга изн бердилар.

У зот кирсалар, ҳадя қилинган бир жом сут бор экан. «**Абу Хирр, суффа аҳлига бориб, уларни менга чақириб кел!**» дедилар.

Суффа аҳли Ислому меҳмонлари бўлиб, суянадиган аҳли-оиласи ҳам, мол-дунёси ҳам, бирор кишиси ҳам йўқ эди. У зотга садақа келса, ҳеч нарсага тегмай, ўшаларга жўнатар эдилар. Агар ҳадя келса, ундан татиб кўриб, кейин баҳам кўриш учун уларга юборар эдилар.

Бу (*суффа аҳлини чорлаганлари*) менга сал маъқул келмади. «Бу сут суффа аҳлига нима ҳам бўларди? Ундан бироз ичиб, сал қувватга кириб олишга ҳақлироқ бўлиб турган мен



бўлсам... Агар улар келса, менга буюрадлар, мен сутни уларга бераман, кейин менга етмай қолиши ҳеч гап эмас», деб ўйладим.

Лекин Аллоҳ ва унинг Расули соллаллоху алайҳи васалламга итоат қилиш лозиму лобуд. Шунинг учун бориб, уларни чақириб келдим. Келиб жойлашишди. У зот: «**Эй Абу Хирр, ма, ол, уларга бер**», дедилар. Мен жомни олиб бир кишига берар эдим, у қонгунча ичиб, кейин жомни менга қайтарар эди. Сўнг мен уни яна бир кишига берар эдим, у ҳам қонгунча ичиб, кейин жомни менга қайтарар эди. Сўнг мен уни яна бир кишига берар эдим, у ҳам қонгунча ичиб, кейин жомни менга қайтарар эди. Ниҳоят, Набий соллаллоху алайҳи васалламга етиб келдим. Қавмининг ҳаммаси тўйиб бўлган эди. У зот жомни олиб, қўлларига қўйдилар-да, менга қараб, табассум билан: «**Эй Абу Хирр, икковимиз қолдик, ўтир, ич**», дедилар. Мен ўтириб, ичдим. Сўнг яна: «**Ич!**» дедилар. Мен ичдим. У зот: «**Ич!**» деявердилар, ниҳоят мен: «**Йўқ!** Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, унга жой топа олмаман!» деб юбордим. У зот: «**Қани, менга кўрсат-чи**», дедилар. Мен жомни у зотга бердим. У зот Аллоҳга ҳамд айтиб, «**Бисмиллаҳ**», деб қолганини ичдилар».

УМРБОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР

Энди бемалол
жўр бўламиз!

Халқимизнинг номоддий мероси – битмас-туганмас ҳазина. У шу қадар бойки, маданият ва санъат, ҳунармандлик борасида ҳатто ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос мактаблари, анъаналари бор. Хоразмча мусиқа ва рақс санъати, деймиз, фарғонача қатта ашула ё аския деймиз. Бой-суннинг фольклорини-ку ЮНЕСКО Жаҳон моддий мероси дурдоналари рўйхатига киритган. Шошмақомдан алоҳида қилиб.

Бугун масаланинг бошқа жиҳатига тўхталмоқчимиз. Ўз даврида ҳозирги истилоҳ билан айтганда «шлягер», «хит» бўлган ва ҳали-ҳануз бу мақомдан тушмай келаётган кўп қўшиқларимиз бор. Бирор байрам, бирор тантанани уларсиз ўтказмаймиз. Лекин уларнинг сўзларини тўлиқ биламизми? Тўғри, «Лазги» каби тароналарнинг бир неча вариантлари бор. Лекин локал биттасини тўлиқ айтиб бера оламизми?!

Мана шундай савол қаршида ноқулай аҳволга тушмаслик учун юқоридаги рукн билан сара ашуларимизнинг матнларини эълон қилиб боришга қарор қилдик. Қуйида биринчи намуна эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Нодира

СОҚИЙНАМОИ
МЎЎЛЧАИ БУЗРУК

*Эй сарви равон, надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдай висолинг.*

*Пайваста дуои хайр этармен,
Мақсудим эрур сенинг камолинг.*

*Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар, эй қуёш, заволинг?!*

*Зухд аҳлига салсабилу кавсар,
Басдур манга рашхаи зулолинг.*

*Чикмасда хануз хату саводи,
Мусаҳфада муборақ эрди фолинг.*

*Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо, синук сафолинг.*

*Ушшоқларинг гамингда ўлди,
Йўқтур сени зарраи малоллинг.*

*Эй хаста кўнгул, фироқ ичида,
Дам ургали қолмади мажоллинг.*

*Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,
Машхури халойиқ ўлди ҳолинг.*

ЎТКИР НИГОХ



Махмуджон Эшонқулов чизган сурат.

Табиб бўлмаган кишининг тавсияси

VII жилд. 5768-хадис. *Омир ибн Саъд отаси розияллоху анхундан ривоят қилади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ким ҳар куни тонгда бир нечта ажва* хурмо еса, ўша куни кечгача унга захар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди**», дедилар.

(*Алий*дан*) бошқаси: «**Еттига хурмо**», деб айтди.»

VII жилд. 5769-хадис. *Саъд розияллоху анху айтади:*

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг «**Ким ҳар куни тонгда еттига ажва хурмо еса, ўша куни унга захар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди**», деганларини эшитдим.»

* Ажва – энг сифатли хурмо навларидан бўлиб, меваси кичикрок, қорамтир, шираси мўътадил бўлади. У асосан Мадинаи Мунавварада етиштирилади. Ҳозир ҳам унинг қиймати баланд. Унинг захар ва сеҳрни кесини хусусиятига эгаллиги бугун қатор илмий тадқиқотларда тасдиқланмоқда.

* Алий ибн Абдуллох Маданий – Имом Бухорийнинг устозларидан бири.

ИНТЕЛЛЕКТ

ЭР-ХОТИН – АЙББОР

Музейдан жуда қиммат экспонат ўғирланди. Ўша пайти у ерда музейни тозалаш билан машғул бўлган эр-хотин бўлган. Улар кечки тозалаш пайти ҳаммаси жойида бўлганини айтган.

Лекин изкувар кела солиб, эр-хотинни ўғриликда айблади. Сабабини топингчи?!



Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунигача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz
Telegram: (+998 97) 444-80-84

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Агар ҳеч бир хавф-хатар бўлмаса, ходим бош кийимини осмонга отиш билан карвондагиларга «хабар» берган. Саволга Иномхўжа Раҳимхўжаев тўғри жавоб берди.

ПАЗАНДАЛИК

ТУРКЧА ПИЦЦА

Тўйимли ва мазали нарса хоҳла-япсизми? Унда, туркча пицца тайёрланг. Бундай пицца юмшоқ ва жуда мазали бўлиб чиқади. Қолаверса бундай пиширик, ишга ёки ўқишга олиб кетиш учун ажойиб егулик ҳамдир.

Керакли масалликлар:

Хамир учун — 1 дона тухум, 8 грамм хамиртуруш, 1 ош қошиқ кефир, 100 миллилитр илиқ сув, 40 миллилитр ўсимлик ёғи, 270 грамм ун, 1 ош қошиқ асал, 50 миллилитр сув, 20 грамм оқ кунжут, 1 чой қошиқ шакар, бир чимдим туз.

Хамирни қоплаш учун — 60 грамм пишлок, 60 грамм қайнатилган колбаса, 60 грамм помидор, 60 грамм қизил булғор қалампир.

Тайёрланиши:

Қоплама тайёрлаш: Пишлок, колбаса, помидор ва булғор қалампирини тўртбурчак шаклида тўғралади.

Хамирни тайёрлаш: Илиқ сувга кефир солиб, аралаштирамиз. Сўнгра хамиртуруш, шакар, туз, тухум, ўсимлик ёғи ва эланган ун солиб, юмшоқ, озроқ ёпишқоқ хамир қорамиз. Хамирни ёғланган идишга солиб, устини ёпишқоқ плёнка билан



ёпамиз ва иссиқ жойда 40 дақиқа саклаймиз.

Ошган хамирни 6 та бир хил бўлақларга бўламиз (*80 граммдан*). Думалоқлаб, устини ёпишқоқ плёнка билан ёпиб, 10 дақиқа тиндирамиз.

Идишда асал ва сувни аралаштирамиз. Бошқа ликопчага кунжут соламиз. Сўнгра ҳар бир думалоқни асалли сувга ботириб, кунжутга бурқаймиз ва пергамент қоғози билан қопланган газ печи патнисига терамиз. Устини ёпишқоқ плёнка билан ёпиб, 10 дақиқага қолдирамиз.

Сўнгра булочкаларнинг ўртасида чуқурча ҳосил қилиб, масаллик соламиз.

180 даражада қиздирилган газ печига 20 дақиқа пиширамиз.

Ёқимли иштаҳа!

Ситора ОМОНОВА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-127
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 259 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00



1 2 3 4 5 6